

## Пудрат шартномаси

ShartnomaNº 02/06



Чиноз тумани  
(shartnoma tuzish joyi)

2022 yil 02 iyun

(shartnoma tuzish sanasi)

"SAYFULLA OTA" XK (bundan buyon - "Bajaruvchi" deb ataladi) nomidan harakat qiluvchi direktor **NURILLAYEV ODIL SAYFULLAYEVICH**, bir tomonidan, va TURON BANK ATB (00020 - 01019 Зангюота филиали) (bundan buyon - "Buyurtmachi" deb ataladi) nomidan harakat qiluvchi direktor **CHORI MIRZAYEV SADIBAKOSOVICH**, ikkinchi tomonidan, birgalida "Taraflar", alohida esa "Tarafl" deb ataluvchilar mazkur shartnomani quyidagilar haqida tuzdilar:

## 1. I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ushbu shartnomaga binoan, Mijoz to'laydi va qabul qiladi va Ijrochi quyidagi shartlar asosida tovarlarni (xizmatlarni) yetkazib beradi:

№	Tovar nomi (xizmat)	Tovar (xizmat)lar Yagona elektron milliy katalogi bo'yicha identifikasiya kodi va nomi	Tovar/xizmat shtrix kodи	O'Ichov birligi	Miqdori	Narx	Yetkazish bahosi	QQS		Yetkazish bahosi QQS bilan
								stavka	summa	
1	Тошкент вилояти Зангюота тумани Эшонгузар КФЙ Мустакиллик кўчасидан ўтказилган электр токининг устки 1.1 метр кенглигидаги 750 метр узунликдаги асфальтни кайта таъмирилаш ишлари	10099001002000000 - Йўл курилиш хизматлари		so'm	1,00	101 304 347,83	101 304 347,83	15,0000	15 195 652,17	116 500 000,00

Shartnomaning umumiy miqdori Bir yuz o'n olti million besh yuz ming so'm 0 tiyin (summa so'zlar bilan).

1.1. Пудратчи Буюртмачининг топширигига биноан ушбу шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва уларнинг натижасини Буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Ишларнинг натижасини кабул килиб олиш ва бунинг учун хак тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи куйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

Тошкент вилояти Зангюота тумани Эшонгузар КФЙ Мустакиллик кўчасидан ўтказилган электр токининг устки 1.1 метр кенглигидаги 750 метр узунликдаги асфальтни кайта таъмирилаш ишлари кейнинг ўринларда "Ишлар" деб юритилади.

1.3. Пудратчи Ишларни ўз материаллари ва ўз асбоб-ускунаси хисобидан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддатлари:

бошлангич - 2022 йил "3" июнь;

охирги - 2022 йил "8" июнь.

Пудратчи Ишларни муддатидан олдин бажариш хукукига эга.

1.5. Ишлар Буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан тегишли далолатнома имзоланганидан сўнг бажарилган хисобланади.

## II. ТАРАФЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Пудратчи куйидагиларга мажбур:

2.1.1. Ишларни лозим даражада сифатли бажариш;

2.1.2. Ишларни ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатларда бажариш;

2.1.3. Ишларнинг натижасини Буюртмачига топшириш;

2.1.4. агар Пудратчи Ишларни бажариш жараёнида Ишлар натижасининг сифати ёмонлашувига олиб келган ушбу шартнома шартларидан чекинишга йўл кўйган бўлса, Буюртмачининг талабига кўра барча аникланган камчиликларни 10 (ён) кун мобайнида бепул тузатиш;

2.1.5. Ишларни шахсан ўзи бажариш.

2.2. Пудратчи куйидагиларга хакли:

2.2.1. Буюртмачи ушбу шартноманинг III бўлимида кўрсатилган нархни тўлаш мажбуриятини бажармаган тақдирда Ишларни вактинча тўхтатиб туриш.

2.3. Буюртмачи куйидагиларга мажбур:

2.3.1. Пудратчидан Ишлар тугаганини тўғрисида хабарнома олганидан сўнг 5 кун мобайнида ёки ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганидан сўнг Ишларнинг натижаларини кўриб чиқиши ва кабул килиш, Ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган даражада шартномадан чекиниш ёки бошка камчиликлар аникланган тақдирда эса бу тўғрида Пудратчига дарҳол маълум килиш;

2.3.2. Ишларга ушбу шартноманинг III бўлимида кўрсатилган нарх бўйича, Ишларнинг натижалари кабул килиб олинган пайтдан бошлаб 5 кун мобайнида хак тўлаш.

2.4. Буюртмачи куйидагиларга хакли:

2.4.1. исталган вактда Пудратчининг фаолиятига аралашмаган холда Бажарилаётган Ишларнинг бориши ва сифатини текшириш;

2.4.2. Буюртмачига Ишларнинг натижасини топширишдан олдин исталган вактда, Буюртмачининг шартномани бажаришдан бош тортиши тўғрисидаги хабарнома олингунча бажарилган Ишларнинг бир кисмiga мутаносиб равишда белгиланган нархни Пудратчига тўлаган холда ушбу шартномани бажаришдан бош тортиш. Бунда Буюртмачи Пудратчига шунингдек бажарилган Ишлар учун тўланган нархнинг бир кисми ва барча Ишлар мажмуи учун белгиланган нарх ўртасидаги фарқ доирасида ушбу шартномани

тутатиш натижасида етказилган зарарни коплаб бериши шарт.

### III. ШАРТНОМА НАРХИ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартнома нархи 116 500 000,00 (Бир ўн олти миллион беш ўз минг) сўмни ташкил этади.

3.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига шартнома нархининг тўланиши маблагларини Пудратчининг ушбу шартномада кўрсатилган хисобварагига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### IV. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган Ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун Буюртмачига ушбу шартлари бўйича хак суммасининг 10 (ён) фоизи микдорида жарима тўлади.

4.2. Тарафларнинг ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амал килувчи фукаролик конун хужжатларининг нормаларига мувоффик кўлланилади.

4.3. Неустойка тўлаш Тарафларни ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан ёки бузилишларни бартараф этишдан озод килмайди.

### V. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Ушбу шартномани бажариш чогида юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар Тарафлар ўртасидаги музокаралар йўли билан хал этилади.

5.2. Низоларни музокаралар йўли билан хал этишининг имкони бўлмаган тақдирда Тарафлар келишмовчиликларни судгача тартибга солишининг конун хужжатларида назарда тутилган тартиботини амалга оширганларидан сўнг уларни кўриб чикиш учун Тошкент туманлараро иктисадий судига топширадилар.

### VI. ЯКУНЛОВЧИ КОИДАЛАР

6.1. Ушбу шартномага хар кандай ўзгартериш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда тузилган хамда Тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган бўлса, хакикийдир. Ушбу шартномага иловалар унинг ажралмас кисмини ташкил этади.

6.2. Ушбу шартнома хар бир Тараф учун биттадан икки нусхада тузилди. Иккала нусха бир хил кучга эга.

## 2. TOMONLARNI YURIDIK MANZILLARI VA REKVIZITLARI

### IJROCHI

**Nomi:** "SAYFULLA OTA" XK

**Manzili:** Ташкентская Область, Чиназский Район, ул. Бунёдкора, дом-2, кв-7

**Tel.:** +998(99)-001-43-

**Faks:**

**STIR:** 203040949

**OKED:** 41201

**H/R:** 20208000704020232001

**Bank:** ЗАНГИОТА Т., "ТУРОНБАНК" АТ БАНКИНИНГ ЗАНГИОТА ФИЛИАЛИ

**MFO:** 01019

№2006500708 02.06.2022 22:45:56

**YUBORILGAN**

NURILLAYEV ODIL SAYFULLAYEVICH

operator: didox.uz

### BUYURTMAchi

**Nomi:** TURON BANK ATB (00020 - 01019 Зангюота филиали)

**Manzili:** SHAYXONTOHUR TUMANI, ABAY KO'CHASI 4A-UY

**Tel.:**

**Faks:**

**STIR:** 201055108

**OKED:** 64190

**H/R:**

**Bank:** ЗАНГИОТА Т., "ТУРОНБАНК" АТ БАНКИНИНГ ЗАНГИОТА ФИЛИАЛИ

**MFO:** 01019

№2006520308 03.06.2022 15:29:51

**TASDIQLANGAN**

JABBAROV ARSLONBEK ABDUQAYIMOVICH